



THE SIGNIFICANCE OF ILLUSTRATIVE MATERIALS FROM ARCHIVE SOURCES IN THE RESEARCH OF COUNTRY ETHNOGRAPHY

Anvar Shosaidov

Intern-researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: anvar.shosaidov1988@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: visual, miniature, fixation, photography, Turkestan album.

Received: 21.02.23

Accepted: 23.02.23

Published: 25.02.23

Abstract: At the end of the 19th - beginning of the 20th century, visual sources also play a special role in creating an image of the country's life, daily lifestyle, and activities. Visual sources typical of this period were described by local people as wonderful paintings, miniatures, and were created by Russians and Europeans who came to the country later.

ЎЛКА ЭТНОГРАФИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА АРХИВ МАНБАЛАРИДАГИ ИЛЛЮСТРАТИВ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Анвар Шосаидов

Стажёр-тадқиқотчиси

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: anvar.shosaidov1988@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: визуал, миниатюра, фиксация, фотосурат, Туркистон альбоми.

Аннотация: XIX аср охири – XX аср бошларида ўлка ҳаёти, кундалик турмуш тарзи, машғулоти ҳақида тасаввур ҳосил қилишда визуал манбалар ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Мазкур даврга хос визуал манбалар маҳаллий кишилар томонидан мўжаз расм, миниатюра сифатида тасвирланган бўлса, кейинчалик ўлкага келган россиялик ва европалик кишилар томонидан яратилган.

ЗНАЧЕНИЕ ИЛЛЮСТРАТИВНЫХ МАТЕРИАЛОВ АРХИВНЫХ ИСТОЧНИКОВ В ИССЛЕДОВАНИИ СТРАНОВОЙ ЭТНОГРАФИИ

Анвар Шосаидов

Стажёр-исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: anvar.shosaidov1988@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: миниатюра, фиксация, туркестанский альбом.	Аннотация: В конце XIX – начале XX веков визуальные ресурсы также занимали особое место в создании представления о жизни страны, ее повседневном образе жизни, обучении. Визуальные источники, типичные для этого периода, были описаны местными жителями как чудесная картина, миниатюра, созданная русскими и европейцами, которые позже приехали в страну.
---	--

КИРИШ

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда ўлка халқлари этнологиясини тадқиқ этишга қизиқишнинг ортиб бориши, бу соҳанинг ривожига олиб келди. Ўлкага фотоаппаратлар кириб келди ва бу ўз навбатида фотосуратларнинг оммалашуви ўлка этнографиясига оид иллюстратив манбаларнинг кўпайишига олиб келди. Бу борада фотосурат ва тасвирий санъат ихлосмандлари жамияти, ўлкага ташриф буюрган этнограф олим С. Дудин ва албатта, биринчи ўзбек фотографи Х. Девоновнинг хизматлари беқиёс. Х. Девонов томонидан тасвирга олинган маҳаллий аҳоли ҳунармандчилиги, бозорлари, хашар, аёллар ва эркаклар миллий либослари, хон ва унинг амалдорлари, девон хизматчилари ва уларнинг кийимлари, архитектура ёдгорликлари, умумий олганда, оддий хиваликнинг кундалик ҳатидан олинган тасвирлар бугунги кунда бир аср аввал ўлка этнографияси ҳақида маълумотга эга бўлиб, тасаввур қилиш, балки улар билан аниқ танишиш имконига эга бўлди.

Туркистон халқлари этнографиясини тадқиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондларида сақланаётган турли мазмундаги расмий, иш юритиш, диний, иллюстратив, молиявий ҳисоботлар, статистик маълумотлар бирдек муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

XIX аср охири – XX аср бошларида ўлка ҳаёти, кундалик турмуш тарзи, машғулотлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишда визуал манбалар ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Мазкур даврга хос визуал манбалар маҳаллий кишилар томонидан мўжаз расм,

миниатюра сифатида тасвирланган бўлса, кейинчалик ўлкага келган россиялик ва европалик кишилар томонидан яратилган.

Воқеа ва ҳодисаларни фиксация қилиб қўйишнинг янги шакли сифатида фото суратга олиш вужудга келиши, ўлка ҳаётига оид фотосуратлар пайдо бўлиши, хотин-қизлар турли ҳолатларда суратлари дунё юзини кўрди. Энди уларнинг суратини миниатюраларда чизибгина қолмасдан, суратларга олиш расм бўлди.

XIX аср охири – XX аср бошларида сурат (фотография) мустамлакачилик даври қарашларини ўзида акс эттирган. Чунки суратлар ўлкада ўз мақсадларига ва ўз қарашларига эга бўлган русийзабон кишилар томонидан олинган эди. Бу борада амалга оширилган илк ва энг тўлиқ иш сифатида “Туркистон альбоми” ни келтиришимиз мумкин[1].

Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори генерал Константин Петрович фон Кауфман (1818–1882 й.) буйруғига асосан тайёрланган “Туркистон альбоми” дан 1200 дан ортиқ сурат, шунингдек, архитектура режалари, акварелда чизилган расм ва хариталар ўрин олган. 1871-1872 йилларда тайёрланган мазкур тўплам “Археологияга оид қисм”, “Этнографияга оид қисм”, “Ҳунармандчиликка оид қисм” ва “Тарихга оид қисм” каби 4 қисмдан иборат иборат бўлган.

Ўлка археологияси ва этнологиясига оид яна бир тадқиқот иши француз саёҳатчиси ва фотографи Гюго Крафтнинг “Рус Туркистони бўйлаб” номли китобидан ўрин олган фото суратлар.

Муаллиф томонидан суратга олинган расмлар аҳолининг маиший турмуши, уй-жойлари, кийим-кечаклари ва машғулотлари ҳақида тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. Масалан, шундай расмлардан бирида маҳаллий аҳоли совуқ кунларда исиниш учун ишлатган сандал тасвирланган. Хонанинг ўртасида бир метрга – бир метр ўлчамда квадрат ўра ковланиб, унинг тагига тутаб турган кўмир солинган. Чуқурнинг устига ярим метрча баландликда хонтахта қўйилиб, унинг устидан кўрпа ташлаб қўйилади. Одамлар хонтахта атрофига ўтириб, оёғини кўрпанинг тагига тикиб исинишган. Хонтахтанинг устига чойнак ва овқат солинадиган идиш қўйилган. Баҳор келиши билан чуқур кўмиб ташланган ва устига шолча ёки гилам тўшаб қўйилган. Муаллиф томонидан тасвирга олинган суратлар дунёга минтақа маданияти билан бевосита танишиш имконини берди[2].

Ўлка халқлари этнологиясига қизиқишнинг ошиб бориши, бу борадаги ҳаваскорлар тўғрагининг ташкил этилиши ҳамда унинг негизида тасвирий санъат ва фото сурат ихлосмандлари жамиятининг тузилишига олиб келди. Асосий мақсади ўлка халқлари маданияти, этнографиясини ўрганиш бўлган бу бирлашманинг ўз уставига эга бўлган. Ўз навбатида мазкур ҳаваскорлар жамияти томонидан тўпланган қимматли фото суратлар ўзида ўлка этнографиясига оид материалларни акс эттиради[3].

Ўлка этнологиясига оид материаллари билан диққатга сазовор яна бир этнограф, фотограф, тадқиқотчи С.М.Дудин (1863-1929) илмий фаолияти давомида олган фотосуратлар кўплаб музейлар, архивлар илмий фондларининг асоси бўлиб хизмат қилди. Дудиннинг саъй ҳаракатлари билан ўтган аср бошларида Самарқанддаги архитектура ёдгорликларимиз тасвирини, маҳаллий аҳоли машғулоти, либослари, анъаналари тасаввур қилиш имконига эга бўлди. Ўз эсдаликларида ушбу вазифанинг осонлик билан амалга оширилмаганлиги, маҳаллий аҳоли орасида суратга олишда маълум бир тақиқлар билан боғлиқ ҳолда мураккабликлар мавжуд эканлигини хотирлайди. 1900 йилда С.М.Дудин Самарқанддан ёзган хатида маҳаллий аҳолини ва уларнинг кийимларини суратга олиш қийинчилик туғдираётганини, уларнинг ҳар биридан рухсат сўрашга тўғри келаётганини таъкидлайди[4].

Унинг коллекцияларидан ўлкада яшаган халқларнинг маданияти, урф-одатлари ҳақидаги материаллар ўрин олган. Жумладан, уларнинг орасида ўзбек, тожик, туркман, қozoқ, яҳудий ва лўлилар ҳаётига доир кўплаб суратлар жамланган. У ўз расмлари орқали этнограф тадқиқотчи сифатида иш олиб борган. Масалан, унинг коллекцияларида аҳолининг хўжалик ҳаёти, ҳунармандчилик, турар жойлари, кийим-кечаклари, урф-одатлари, амалий безак санъати кабилар кенг ёритиб берилган.

Ўзбекистон Миллий архиви фонларида сақланаётган фото ҳужжатлар тўпламидан яна бири Ўрта Осиёнинг шаҳарлари ва тарихий ёдгорликлар тасвирлари жамланмаси бўлиб, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Урганч, Хива каби тарихий шаҳарлар архитектура ёдгорликлари тасвирлари билан бир қаторда унинг аҳолиси, маданияти, турмуш тарзига оид фото ҳужжатлар ҳам учрайди [5].

XIX аср охири – XX аср бошларига оид визуал манбалар орасида алоҳида аҳамият касб этадиган манба биринчи ўзбек фотографи Худайберген Девоновнинг фото жамланмалари саналади. Хива хонлиги сарой амалдори хонадонида таваллуд топган Х.Девонов хонликка кўчиб келган немислардан маҳаллий аҳоли учун нотаниш касб фотография соҳага қизиқиши ва Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II Феруз билан Санкт-Петербург шаҳрига қилган сафарлари таассуротлари ва жадидларнинг маърифатчилик ғоялари асосида янги соҳага асос солади. Муаллиф Хива, Урганч, Тошхóвуз, Хўжайли, Тўрткўл шаҳарлари бўйлаб кезиб, диққатга сазовор жойларни, деҳқоннинг далада, косиб-хунармандларнинг иш фаолияти жойида, бозорларда, ҳашарларда, халқ сайлларида, дорбоз ва масхарабозларнинг томошаларида тасвирга олади. Х. Девоновнинг хонликда яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қozoқ миллатига мансуб кишиларнинг маданий, маиший, этнографик ҳаёт манзаралари акс эттириш унинг асосий мақсади бўлган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, юқорида кўриб чиқилган визуал манбалар таҳлили шунини кўрсатадики, ўлкада этнологиясини ўрганишга қизиқиш ўлкада сақланиб қолган қадимий ёдгорликларни, аҳолининг диний қарашлари, маиший турмуши, уй-жойлари, кийим-кечаклари, машғулотлари, урф-одатлари, кийимлари мусиқа асбоблари ва турар жойлари, ҳунармандчилиги, маданиятини ўрганишда сезиларли ютуқларга эришилди. Ушбу фотосуратларда акс этган ўлка аҳолиси кундалик ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлишга ёрдам берди. Мазкур визуал манбалар Туркистон маданияти, санъати ва этнографиясини тадқиқ этишда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Горшенина С. Крупнейшие проекты колониальных архивов России: утопичность тотальной Туркестаники генерал-губернатора Константина Петровича фон Кауфмана // *Ab Imperio*. 2007. №3. – С.31-42; Dikovitskaya M. Central Asia in Early Photographs: Russian Colonial Attitude and Visual Culture // Uyama T. (Ed.). *Empire, Islam, and Politics in Central Eurasia*. Sapporo: Slavic Research Center, Hokkaido University, 2007. – P. 104-108
2. ЎзМА, Р 394-фонд, 3-рўйхат, 57-йиғма жилд
3. ЎзМА, И 1-фонд, 28-рўйхат, 7-йиғма жилд
4. Прищепова В. К 150-летию со дня рождения С.М. Дудина – художника, этнографа (по материалам МАЭ РАН) // *Антропологический форум*. 2013. №15. – С.608-648.
5. ЎзМА, Р 394-фонд, 3-рўйхат, 58-йиғма жилд